



Янги йил байрамингиз кутлуг бўлсин!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 31 декабрь • сешанба № 51-52 (891-892)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!
“Инсон ва қонун”



Сиз билан, Сизнинг ҳимоячингиз,
Сизнинг маслакдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

**Кучли давлатдан — кучли
фуқаролик жамияти сари**

Маҳалла ходимлари малакасини ошириш

бугуннинг долзарб вазифаларидан бири

ШУ ЙИЛНИНГ 10 октябрида Президентимизнинг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди.

Маҳалла институтининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, Юртбошимизнинг юқоридаги Қароридида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш ушбу мақоламизнинг бosh мақсадидир.

АВВАЛО, шунинг айтиш керакки, кейинги йилларда маҳалла институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган саяё-ҳаракатларнинг устувор йўналиши сифатида унинг ҳуқуқий асосини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Конституциямизнинг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овуларда, шунингдек, улар таркибидидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланиши, уларнинг раис ва маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланиши белгиланган бўлиб, ушбу модданинг мантиқий давоми сифатида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар ҳамда соҳага оид 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Хусусан, ҳуқуқатимизнинг 1999 йилдаги қарори билан фуқаролар йиғинларида “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмалари, давлатимиз раҳбарининг 2004 йилдаги Фармони асосида фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг ҳудудларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъана ҳамда урф-одатларни ривожлантириш сари ташланган қадамлардан бири, дея эътироф этиш мумкин.

Бул йил тои маънода маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш йили бўлди. Чунки 2013 йил бошида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раисини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган гоя ва тақдирлар асосида ишлаб чиқилди, янги тахирда қабул қилинди.

Бундан ташқари, Юртбошимизнинг 2013 йил 24 июлдаги Фармони билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидида бир гуруҳ ходимлар давлатимизнинг юқаск муқофотлари билан тақдирланди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 30 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги, 7 октябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорлар билан соҳага оид 15 та яқин низом тасдиқланди. Ана шундай ҳужжатлардан яна бири — 2013 йил 10 октябрда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қароридир.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бугун мамлакатимизда 9855 та фуқаролар йиғини мавжуд. Уларда салкам 36 минг нафар раис, масъул котиб, маслаҳатчи ва “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, тўғрисида айтганда, кейинги пайтларда уларнинг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш, маҳаллаларга тизимли методик ёрдамни ташкил этишга эҳтиёж сезилаётган эди.

Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, маҳаллаларга ёшларни маърифий, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш, жамоатчилик назорати-

ни, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича бир қатор ваколатлар берилган эди. Бу каби вазифаларни самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимлари, касбий ва бошқарув малакаларига боғлиқ. Шу маънода Юртбошимизнинг ушбу Қароридида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини тизимли равишда ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Қарордан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилди ва уларнинг асосий вазифалари белгиланди. Шунингдек, ушбу Қарорда ўқув курслари фаолиятига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўқув-методик раҳбарликини амалга ошириши назарда тутилди.

Ўқув курсларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан лавозимга тайинланган ва овоз қилинадиган директор раҳбарлик қилиши масаласида жиддий ва масъулият билан ёндашиш лозимлигини кўрсатади. Ўқув курслари юридик шахс мақомига эга бўлиб, давлат бюджетидида маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Дароқе, ўқув курслари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида жойлаштирилиб, уларга юқори малакали мутахассис кадрлар жалб этилмоқда. Хоналарнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиши машғулотларни таъсирчан ва самарали олиб бориш имконини беради.

Яна бир таъкид шуки, Қарор ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар зиммасига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш юқлатилган эди. Шундан келиб чиқиб, 2013 йил 14 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

Унда малака оширишнинг умумий ва махсус талаблари, асосий йўналишлари, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизмлари назарда тутилди. Умуман олганда, Низомда малака оширишнинг ягона ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб, уларнинг асосий йўналишлари, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизмлари назарда тутилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, маънавий ҳаётимизни, миллий оид ва қадриятларимиз, этиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни, маънавий оламимизни юқаслтиришнинг мақсад қилган эканмиз, энг аввало, маҳаллага бундан-да кўпроқ эътибор беришимиз, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтиришимиз зарур. Бу эса биз барпо этаётган давлат ва жамиятнинг асосий шартидир.

**Алижон ОЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи**



Амнистия Бағрикенглик — инсонпарварликнинг олий тимсоли

Азалий кадриятлар миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топмокда

МАЪЛУМКИ, миллий маънавиятимизга хос бўлган меҳр-шафқат, бағрикенглик ва кеҳиримлилик, адашганларни тўғри йўлга солиш каби улуг ғазилатлар мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятига чуқур сингдирилган. Президентимизнинг тақдирномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан жорий йилнинг 12 декабрида қабул қилин-

ган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарор инсон ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсати ҳаётимизда тобора ёрқинроқ намоён бўлаётганлигидан яна бир далолатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, навбатдаги амнистия акти асосида биринчи навбатда аёллар ва жиноят со-

дир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 дан ошган эркаклар, чет давлат фуқароси бўлган маҳкумлар, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар ҳамда ижтимоий ҳаёт катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахсларнинг жазодан озод этилиши, шунингдек, тайинланган жазо тури енгилроғи билан алмаштирилиб, ўталмай қолган жазо

муддатининг қисқартирилиши жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, билиб-билмай жиноят йўлига кирган ўсмирлар ота-она бағрига, ота-оналар эса фарзандлари ва оиласига қайтиши ота-онанинг ҳам, фарзандларининг ҳам кечик қалбларини бутун қилиб, ҳаётларини яна қувонча тўлдирди. Шу жиҳатдан мазкур ҳуқуқий ҳужжатни нафақат ижтимоий-сиёсий, балки улкан тарбиявий аҳамият-

га эга, дейишга тўлиқ асос бор.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Президент девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар судлари, Адлия, ИИБ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, шунингдек, прокуратура ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган идоралараро йиғилиш амнистияга оид юқоридаги Қарор ва уни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланди.

5

Ўқув-машғулот Уч буюк мезон

Қонун, мафкура ва маънавият

— ОЛАМДАГИ нарсаси ва ҳодисаларнинг умумий ва тақдирларини турғучи боғлашлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлиши қонунлар орқали тартибга солинади.

Мафкура мўайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсади, манфаатлари ва оруз-интилишларини амалга ошириш тамойилларини ўзида муҳасам этадиган гоялар тизимидир. Мафкура қўидаги қўиришларга эга:

Миллий мафкура — давлатнинг демократик характери ва жамиятимиздаги маънавий-маърифий тараққиёт даражасининг муҳим кўрсаткичи ва ўлчов мезонидир.

Бунёдкор мафкура — жамият ва одамларни, гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи гоялар мажмуи. Масалан: муқтақиллик мафкураси, миллий ист-тиқ мафкураси ва бошқалар.

Вайронкор (салбий) мафкура — ёвузлик ва ҳақоратга ҳизмат қиладиган

ган гоялар мажмуи бўлиб, улар қабих мақсадга ундайди, халқлар ва давлатларни ҳақоратга маҳкум этадиган гоялар мажмуидир. Масалан: коммунист мафкура, фашизм, экстремизм, терроризм, ирқчилик.

— Маънавият одамни руҳан шаклланиш ва улғайишга қорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, имон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган қудир, — дейди Адлия вазирлигида ўтказилган навбатдаги ўқув-машғулот меҳмони Тошкент тиббиёт академиясининг ички касалликлар кафедраси мудири, Ибн Сино номидаги жамоат фонди раиси, профессор Шерзод Зокирхўжаев.

Кизиқли ўтган тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Адлия вазирлиги
Ҳуқуқий тарғибот ва
ҳуқуқий таълим бошқармаси**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида

25 декабрь. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ижтимоий меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклигининг ўрни ва мазкур ташкилотнинг 2013 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани ташкиллаштирилди. Унда мавжуд корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёдан рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш, коллеж битирувчиларини ишлаб чиқаришга жалб этиш каби масалалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

26 декабрь. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси тизимига инвестицияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкиллаштирилди. Унда мавжуд корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёдан рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш, коллеж битирувчиларини ишлаб чиқаришга жалб этиш каби масалалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

27 декабрь. Таълим масканлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Она шахрим экологияси” расмлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Расмларда табиат манзаралари, Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган кенг қуламли ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш, озодалик ишлари, обод ва файзли маҳаллалар қиёфаси, экологик барқарорликни асрашга оид гоялар ифода этилган. Танлов ғолиб ва совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

ЯКУНЛАНАЁТГАН йилда 345 миллиард сўмлик қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилган. Урганч шаҳри қисқа муддат ичида нафақат Хоразм воҳаси, балки мамлакатимизнинг энг гўзал, кўркем, озода ва ораста гўшаларидан бирига айланди. Бу борадаги яратувчилик ишлари ҳозирда вилоят марказининг барча даҳа ва маҳаллалари, кўча ва хиёбонлари, ҳордиқ ва соғломлаштириш масканлари, азим Шовот канали соҳилларини қамраб олган ва янада кенг қўлам кашф этиб, тобора жадал тус олаётти.

Жоникул МАВЛОНОВ, Жиззах шаҳридаги “Ёшлик” фуқаролар йиғини раиси:

— Семинарда Урганч шаҳридаги намунали 10 та маҳалланинг барчасида амалга оширилган обodonчилик, улардаги маҳалла фаолларининг иш тажрибаси, аҳоли хонадонларида яратилган шаро-

ҳалла ҳудудиди яшаётган тadbиркорларнинг умумий ишга иштиёқ, ташаббус билан қўшилганлиги бўлди. Масалан, Урганч шаҳридаги 24-“Тозабоғ” маҳалласида тadbиркорлар нон ёпиш цехи, автомобиллар тураржойи, болалар майдончалари, боғлар, бадминтон майдончаларини ўз маблағлари ҳисобига қуриб-

маскани нафақат шаҳарликлар, балки меҳмонлар, сайёҳлар учун янада манзур бўлади.

Амалий ўқув-семинари жараёнида ана шу гўзалликни барпо этаётган қурувчилар, ирригаторлар билан суҳбатлашдик. Маҳаллаларда бўлган обodonлаштириш ишларини ташкил қилиш бўйича оқсоқоллар билан тажриба алмашдик.

Озод ШОДИЕВ, Навоий шаҳар бош архитектори:

— Президентимизнинг қарорлари асосида вилоятда жуда кенг ҳажмда қурилиш ва обodonлаштириш ишлари изчил амалга ошириляётганлигини кўрдик. Айниқса, ал-Хоразмий кўчасида қад ростлаган кўп қаватли уйлар, унинг биринчи қаватидаги супермаркетлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли учун қулай қилиб қурилган.

Бугунги ўқув-семинари бизга назарий, амалий жиҳатдан жуда манзур бўлди. Масалан, шахсан ўзим бир қатор шаҳарларнинг архитекторлари билан тажриба алмашдик. Семинар муносабати билан ташкил этилган қўрағамани томоша қилиб, хизматимизда фойдаланишга оид маълумотларни дафтарчамизга қайд қилиб бордик.

Лайло РУСТАМОВА, Фарғона шаҳридаги “Нурзахон Лайло Файз” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:

— Республика даражасида ўтказилган амалий ўқув-семинари жуда фойдали бўлди. Шаҳардаги санитар ҳолати янада яхшилаш ва ҳудудларда йиғилётган майиш чикиндиларни ўз вақтида чиқариш намунали ташкил этилган. Чикиндилар ташлаш учун махсус жойлар саранжом қилиб қўйилган. Бу ишларга амалий ёрдам кўрсатаётган “Урганч махсус транс” ишлаб чиқариш давлат корхонаси фаолияти билан яқиндан танишдик.

Ушбу амалий ўқув-семинарда кўп қаватли уйларнинг ташки қўрилишлари ва санитария ҳолатини янада яхшилаш бўйича касбдошлар билан яқиндан тажриба алмашдик. Бундай семинарларни

тез-тез ўтказиб туриш ва улар билан бунёдкорликларни жойида бориб қўриш унутилмас таассуротлар қолдиради.

Икромиддин ВАЛИЕВ, Андижон вилояти “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси:

— Урганч шаҳар “Марказий деҳқон бозори”га кириб бора эканмиз, энг аввало, пештахталарда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг се-роблигидан, киш фасли бўлишига қарамадан мевалар сифатли сақланиб, эл дастурхонига тортиқ қилинаётганлигига гувоҳ бўлдик. Урганч “Марказий деҳқон бозори” реконструкция қилинган со-тувчилар ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган. Бу борада сотувчилар мамнуният билан гапирмоқдалар. Бозорда пластик карточкалар билан савдо қилиш ишлари ҳам ташкил қилинганлиги хоразмликлар учун қулайлик-дир.

Равож ХЎЖАМУРАДОВ, Нукус шаҳридаги 57-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ўқув-семинар чоғида задала “Хоразм брикет заводи” фаолияти тўғрисидаги видеотасвирни кўриб, тўғриси хайратландим. Хоразмликларнинг ушбу йўналишдаги ибратли ишлари аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Брикетланган кўмир маҳсулотидан 4 фаслда ҳам фойдаланиш мумкин экан. Корея технологияси асосида ишлаб чиқариляётган брикетланган кўмир фойлангандан кейин ҳам ўз шаклини сақлаб, кул, атрофга чанг ва чикинди қолдирмас экан. Ҳатто ундан таом тайрлашда ҳам ёқилги сифатида фойдаланиш мумкинлиги барча семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ушбу тажрибани бошқа вилоятларда ҳам жорий этиш ва кенг тарғиб қилиш керак.

Амалий ўқув-семинари келгусида иш услубларини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этади.

Абдулла СОБИРОВ, “Инсон ва қонун” мухбири

Хабар

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида

КОНУНИЙЛИК

ТАЪМИНЛАНМОҚДА

ДАВЛАТИМИЗИНИНГ мустақил тараққиёти даврида мамлакатимиз Президентини раҳбарлигида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар, ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб боришнинг янги механизми-ри ишлаб чиқилди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан “Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган анжуманда шулар ҳақида сўз борди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тегишли давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ва масъул ходимлари иштирок этди.

Иштирокчиларнинг таъкидлашича, жорий йилда Тошкент шаҳридаги давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда назорат қилувчи идораларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан 30 га яқин ҳолат ўрганилган ва қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли муносабат билдирилган.

Анжуманда давлат органлари фаолиятидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликлар, уларнинг олдини олиш ва бу борада амалиёт ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди ва улар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Гулсумхон ШОДИЕВА, “Инсон ва қонун” мухбири

Амалий анжуман

Замонавий маҳаллалар

юрт ободлиги ва қудрати рамзи бўлиб халқимизга хизмат қилади

ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги долзарб масалаларга қарата мазкур шаҳарда ўтказилган икки кўнлик республика амалий ўқув-семинари кенг ва катта миқёсда бунёдкорликларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича ўрганиш, тўпланаётган тажрибаларни мамлакат бўйлаб оммалаштиришга бағишланди. Амалий анжуман ишда Республика Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, турли даражадаги ҳокимликлар, банк-молия муассасалари, фуқаролик институтлари, ички ишлар тизими масъул ходимлари, шаҳарлар ҳокимлари, профессионал бошқарув компаниялари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Зокиров, Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов, Республика Мулк ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Абдухакимов ва бошқалар сўзга чиқиб, замонавий маҳаллани шакллантириш бўйича юртимизнинг турли ҳудудлари, хусусан, Урганч шаҳрида тўпланаётган бой, ибратли ва фойдали тажрибалар, бунда тегишли идора, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги, жамоат ва аҳоли иштироки ҳайратлиқни обodonлаштириш, кўркемлаштириш,

файзу тароватини ошириш, савдо-сервис, хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, ҳордиқ ва соғломлаштириш масканларини қўллаб бунёд этиш, уларни кўз қорачигидай асраш, фаолиятини намунали йўлга қўйиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги амалий ишлар ҳамда ютуқлар саломатини янада ошириш борасидаги режа ва вазифаларга тўхталдилар.

Тadbир қатнашчилари Урганч шаҳрида олиб бориляётган обodonлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда замонавий маҳаллалар фаолиятини атрофлича ўрганилди. Шаҳардаги замонавий 24-“Тозабоғ” маҳалласи, ал-Хоразмий номидаги марказий шохкўча, “Ёшлик” кўли, шу номдаги кўча, Шовот канали соҳиллари, темир йўл шохбекати, “Урганч халқаро аэропорти”, “Марказий деҳқон бозори”нинг замонавий қиёфаси, миллийлик ва дунёвийлик намуналарига бой ўзига хос гўзал меъморий ечимлари, “Урганчмаҳсуссанитартранс”, “Истиклол келажак сервис” профессионал бошқарув компаниялари, “Тўғривийн — Урганч” магистрал сув қуурлари бошқармасига қарашли бино ва ишо-отлар иши анжуман иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдириди. Улар ўзларининг бу борадаги дил сўзларини шундай изҳор этдилар:

итлар билан яқиндан танишдик. Айниқса, 24-“Тозабоғ” маҳалласидаги ободлиқни, тозаланиш, саранжом-сариш-талиқни кўриб, шу ерда истиқомат қилаётган кишилар билан суҳбатлашиб, маҳалла ана шундай бўлиши керак, деган хулосага келдик.

Қаранг, ана шу маҳалла фаоллари ўзларининг “Маҳалла кодекси”ни ҳам яратибди. Унда маҳалла ҳаётининг барча қирралари қамраб олинди. Маҳалла ҳаётининг фаровон бўлиши учун масъул бўлган барча идора-ташкilotлардан — солиқ, ички ишлар, банк, соғлиқ сақлаш, санитария, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига ҳам барча-барчаси бириктирилибди. Ҳатто, маҳалланинг ўз агро-номи ҳам бор экан. Ушбу тажрибани ўз маҳалламизда жорий этиш учун ҳаракат қила-миз.

Мелихон МУМИНОВА, Кўкон шаҳридаги “Етти рана” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси:

— Биз семинарда қатнашиб, ҳақиқий маҳалла қандай бўлиши лозимлиги, унинг таркибидаги ҳар бир хизмат қандай ташкил қилиниши ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий тасаввурга эга бўлдик. Бизга маъқул бўлган жиҳатлардан, энг асосийси, бу ма-

дилар. Бу янгиликларни ўзимизда ҳам жорий этишга ҳаракат қиламиз.

Рейим ЗИЁВУДДИНОВ, Чироқчи тумани архитектори:

— Урганчнинг янги қиёфаси барчамизга жуда маъқул бўлди. Бу ерда эски миллий меъморчилигимиз энг илғор қурилиш технологияси билан уйғунлашиб кетибди. Натижада, ал-Хоразмий кўчаси ҳавас қилса арзиғулик санъат асари даражасига етибди.

Кейинчалик ўз ишларимизда бу ерда қўрган янгиликлардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Хоразмга келиб, амалий ўқув-семинарда қатнашганимдан хурсандман.

Насриддин САДРИДДИНОВ, Наманган вилояти “Маҳалла” жамоат фонди раиси,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси:

— Мен Хоразм вилоятида амалга ошириляётган ишлар билан танишиш учун олдин ҳам келган эдим. Қисқа муддат ичида Урганч шаҳар маҳаллалари таниб бўлмас даражада гўзал қиёфа кашф этган. Шаҳар ўртасидан кесиб ўтувчи Шовот канали қирғоқларидаги яқиндан барпо этилган чиройли, замонавий биланлар, гулзорлар, дам олиш

Реклама ўрнида

Ҳурматли юртдошлар!

“Асака” банк (ОАЖ)

Сизларни Янги — 2014 йил билан табриклайди ва қўидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

“ЯНГИ ЙИЛ — 2014”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11



Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

Мурожаат учун “Асака” банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

“Асака” банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

■ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

■ миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **“Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёрғу келажғимизнинг асосий омилдир”** мавзuida қилган маърузасидан келиб чиқиб, эркин фуқаролик жамиятини қуришда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан: олдимизга

миз маърузасида омманинг эътиборини демократик ислохотларнинг таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида — ўрта синфни шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаси қанчалик тўғри эканини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Ўрта синфни шакллантириш ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ролини мустаҳкамлаш, эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омилга айланмоқда. Агарда аҳолининг маълум бир қисми ҳаддан зиёд бадавлат

“2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси” номи таҳлилий маърузасига асосан 2010-2012 йилларда таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон дунёда иккинчи ўринни эгаллашди. Юртимизда таълимга бўлган эътибор натижаси, десак ҳақиқатни айтган бўлардик. Халқимиз ҳуқуқий маданиятининг юксалиши натижасида, қонун нормалари ўз она тилимизда содда ва халқчил ёритилишига, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси орттишига, халқнинг ҳуқуқ нор-

асосланган эркин фуқаролик жамиятини қуриш учун қўйилган наватбадга қадам бўлди. Ўз навбатида, ошқоралик принципини демократия тушунчасининг бир бўлаги сифатида қарашимиз лозим. Ҳеч бир жамиятда демократияни сиёсий кучлар орқали ўрнатиб бўлмайди, уни жамиятда яшовчи халқнинг ўзи ўрнатади. Фикримизга ёрқин мисол: фуқаролик жамиятининг ноёб ва бетакрор миллий институти бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллар фақат бизнинг халқимиз турмуш тарзига, жамиятимиз ҳаётигагина хос бўлган ўзбекона миллий демократия мактаби, деб айтасак муболага бўлмайди. Буюқ файласуф Сукрот айтганидек: ҳаддан зиёд эркинлик чекланган эркинликдан ёмонроқдир. Бобокалонларимиз азал-азалдан машварат йўли билан жамиятни бошқариб, адолат тарозисини тенг тутиб келганлиги сабабли, биз учун демократия тушунчаси ёд эмас. Биз ҳозирда глобаллашув авж олган, “оммавий маданият” яшин каби орамизга кириб келаятган, мураккаб бир замонда ўз йўлимизда олға интилиб яшар эканмиз, беихтиёр Президентимизнинг **“...эришган ютуқларимизга махлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз лозим”**, деган даъвати насихатлари ёдимизга келади. Инсонни беихтиёр руҳан ҳушёрликка, бир жойда қотиб қолмасдан ўз устида меҳнат қилишга, ҳаммиса интилишда ва ўзининг ташаббускорлиги билан жамият ҳаётида фаол иштирок этишига, инсонлар фойдаси тегмайдиган керакдиз матоҳ каби бўлиб қолмасликка, ҳар бир раҳбарни ҳар ишда адолат посбони бўлиш-ликка, замон билан ҳамнафас бўлиб яшашга, атрофимизда рўй бераётган воқеликдан четда қолмасликка, ёшлар тарбиясида бефарқ бўлмасликка чорловчи ушбу даъват билан ҳамнафас бўлиб яшасак, албатта, биз танлаган йўл чинор каби боқий бўлади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида бошқарманинг **“Ишонч телефони”**га тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан 31 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 18 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 10 таси бўйича тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

ХУСУСАН, Бекобод шаҳридаги “Сарвиноз ҳаё” хусусий корхонаси раҳбари О.Анорбоевнинг кредит ажратилишида сарсон бўлатганидан норози бўлиб, адлия бошқармасига қилган мурожаатини ўрганиш натижасида тадбиркорга қонун доирасида амалий ёрдам кўрсатилди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида бошқарманинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига 100 та шикоят келиб тушган бўлиб, улардан 85 таси ўрганиб чиқилди. Шундан 22 таси тўлиқ асосли, деб қаноатлантириди, 63 та шикоят бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди, 7 та шикоят тааллуқлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди.

Шунингдек, бўлим томонидан вилот солиқ бошқармаси, Ветеринария бошқармаси, Божхона бошқармаси ҳамда Бўка, Янгийўл, Зангиота, Бекобод шаҳар, Оқўрғон ва Пскент туманлари ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатида ўтказиш инспекцияларида ўрганишлар ўтказилганда, 2817 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Юридаги камчиликлар юзасидан Бўка ва Зангиота туманлари ҳокимликларига тақдирнома ҳамда вилот ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларида риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш мақсадида фаолият юритмаётган жами уч юзга яқин тадбиркорлик субъектлари билан бирма-бир учрашув ўтказилиб, уларнинг фаолият юритмаслик сабаблари ва муаммолари аниқланди.

Ўрганиш давомида уларнинг аксарияти айланма маблағи

йўқлиги, мавсумий фаолият билан шуғулланиши ва фаолияти учун жой ололмаётганлиги каби сабабларни билдиришди.

Ҳозирги кунда Бекобод шаҳрида 20 та, Бўка туманида 12 та, Бекобод туманида 12 та, Оқўрғон туманида 21 та, Чир-

Фаолият Ишбилармонларга таянч

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

чиқ шаҳрида 17 та, Ўртачирчиқ туманида 20 та ва Паркент туманида 30 та — жами 166 та фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам (кредит олишда, ер ҳамда бино ажратишда, шартномалар тузишда ва бошқа масалалар) бериш йўли билан фаолиятлари тикланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини тугатиш юзасидан туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан қабул қилинган қарорлар мониторинг тарзда таҳлил этилмоқда. Таҳлил натижасига кўра, Оқўрғон туманида қонуний қабул қилинган 10 та қарор юзасидан вилот ҳўжалик судига даъво аризаси, шунингдек, Бекобод шаҳрида қонуний қабул қилинган 5 та қарор юзасидан Бекобод шаҳар ҳокими номига тақдирнома киритилди.

Масалан, Оқўрғон тумани ҳокимининг 2012 йил 28 ноябрдаги қарорига асосан “Норкул ўғли Одибек” ҳамда “Дилором Махмуд Озодбек” хусусий корхоналари фаолияти тугатилиши муносабати билан

давлат реестридан чиқарилган.

Бунинг натижасида, Фуқаролик кодекси, **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонун ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган **“Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”**ги Низом талаблари бузилган.

Ушбу қарорлар бўйича маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судларига даъво ариза киритилди. Бўлим томонидан давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тоқонуний ариалашши ҳолатларини ўрганиш жараёнида жорий йилнинг 9 ойи давомида 4 та қонуний текшириш аниқланди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилотларга тақдирнома, туман прокурорига маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан қарор киритилди.

Қувонарлиси шундаки, тадбиркорлар бугун ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладилар. Шу билан бирга уларнинг бизга ишончи тобора ортиб бормоқда. Бу эса ҳар биримизга янада кўпроқ масъулият юклайди.

Иброҳим ХОТАМОВ,
Тошкент вилоти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Талқин

Биз танлаган йўл чинор каби боқий

қўйилган асосий мақсад ва устувор вазифаларга эришишда узққни қўлайлигидан “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган ҳолда демократик ислохотларни изчил ва тадрижий, босқичма-босқич ва тизимли асосда олиб борилиши. Ва бу борада эришилаётган муваффақиятларимиз мисолида ўзининг исботини топмоқда. Жумладан, 2009 йилда рўй берган жажон молиявий-иқтисодий инқирозидан “Ўзбек модели” қанчалик муваффақиятли синовдан ўтганлиги ҳеч кимга сир эмас. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун 2010 йил июнь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳам ушбу масалаларга тўхталиб, дунёда фақат икки давлатга — Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикасига жажон молиявий-иқтисодий инқирозни кам талофат етказгани ва давлатимизнинг тараққиёт йўли “Ўзбек модели”га асосланганлиги ҳамда Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилонга сиёсат сабабли, жажон молиявий-иқтисодий инқирозидан талофотсиз чиққан давлат сифатида таъкидлади.

Иккинчидан: Президентимиз

бўлса-ю, қолган қисми ночор ҳаёт кечирса, ночор қатламнинг бой қатламга тобеллик даражаси орттишига, тенгсизлиkning авж олишига, табақаланиш одатий ҳолатга айланишига, жиноятчилиkning ўсишига олиб келиши мумкинлигини дунё ижтимоий ҳаёти исботлайди.

Учинчидан: ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири бу — ҳуқуқий маъданиятдир. Албатта, ҳуқуқий давлат бўлиш учун, аввало, ушбу жамиятда яшовчи халқнинг ҳуқуқий билим савияси юқори бўлиши лозим. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳуқуқий маданият — бу ҳуқуқий саводхонлик, демократия. Юртимизда олиб борилаётган ҳар жабҳадаги ислохотлар замирида инсон омили ётади. Ислохот — ислохот учун эмас, инсон манфаатидаги хизмат қилиши лозимлиги тўғрисидаги Президентимизнинг фикри нечоғли тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Биргина, таълим соҳасидаги ислохотларга назар солсак, Франциянинг нуфузли “INSEAD” халқаро бизнес мактаби ва Жажон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан 2012 йил 3 июль кунин эълон қилинган

маларига риоя қилишига ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлишга олиб келмоқда. Шунингдек, қонунларимизнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот йўли билан ёритиб борилиши ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим қадами ҳисобланади.

Тўртинчидан: жамият ҳаётида адолат мезонини сақлашда ҳокимиятнинг бўлиниш принципи муҳим роль ўйнайди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти фаолиятида ошқоралик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан талайгина ишлар қилинди. Жумладан, Юртбошимизнинг 2013 йил 20 мартдаги **“Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Фармойиши ва Ўзбекистон Республикасининг **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги Қонунининг қабул қилиниши демократик принципларга

рақобат учун қулай шарт-шароитлар яратиш асосида контрабанда товарларини четдан келтириш ва сотишнинг олдини олиш мақсадида Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги **“Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомил-**

Аълам АҚОБИРОВ,
Самарқанд вилоти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Меморандум: Адлия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлиги

РЕСПУБЛИКАМИЗДА тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор қонунлар қабул қилинган. Ана шу ҳуқуқий меъёрлар асосида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг қишлоқ ҳўжалик, саноат ва бошқа соҳаларда мамлакатимиз ривожига қўшяётган улушлари тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни носоғлом рақобатдан ҳимоя қилиш, маҳаллий бозорларимизга сифатсиз маҳсулотларни контрабанда ва қонуний йўллар билан олиб кирилишининг олдини олиш борасида божхона тизими ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Қуйидаги суҳбат шулар ҳусусида бўлди.

— **НОДИРЖОН Носирхонович,** аввало, тадбиркорлик субъектларига имкониятлар, имтиёзлар беришчи божхона хизмати соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳусусида тўхталсангиз.

— Маълумки, божхона соҳасига оид қўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган ва амалда қўлланиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 20 март кунин Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб киришда импорт божхона божи ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхати тасдиқланди.

Мазкур рўйхатга асосан импорт қилинадиган янги технологик жиҳозларга нисбатан импорт божи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни тўғри ва мақсадли қўллаш бўйича тадбиркорлик субъектларига янги имкониятлар яратилди.


Шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги **“2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорига асосан нозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди. Унга мувофиқ, Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, нозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ҳамда материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йўлларидан ташқари) озод этилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги **“Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонида мувофиқ ҳўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича республика ҳудудида олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январига божхона тўловларини (божхона расмийлаштириш йўлларини бундан мустасно) тўлашдан озод этилди.

— **Республикамизга истеъмол то-**

Божхона — мамлакат дарвозаси

Наманган вилоти божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Нодиржон ТЎЖИЕВ билан мулоқот



варлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилаётган имконият ва имтиёзлар тўғрисида кенгрок тушунача берсангиз?

— Президентимизнинг 2013 йил 22 июлдаги **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 5 августдаги ПҚ-1169-сонли Қарорига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қарори билан республика ҳудудида олиб кирилаётган алоҳида турдаги истеъмол товарларига амалдаги ставкаларга қўшимча ва янги импорт божхона божи ва акциз солиғи ставкалари жорий этилди. Ҳозирда ушбу ставкалар асосида божхона расмийлаштируви амалга оширилмоқда.


2013 йил 12 августдаги **“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида”**ги қарорига кўра республика ҳудудида олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхати янгидан тасдиқланди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолият

лаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори билан импорт қилинаётган алоҳида истеъмол товарларини махсус назорат идентификацион белгилли маркалар билан маркалашда божхона ходимлари вазифалари белгилла берилган.

2012 йил 1 январдан бошлаб четдан келтириладиган истеъмол товарларининг айрим гуруҳлари божхонада расмийлаштирилгунга қадар эркин муомала (импорт) учун қиқариш режимида махсус назорат идентификация белгилари билан маркировка қилишнинг мажбурий жорий этилиши қабул қилинди.

Шунингдек, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш йўли билан қамсирал даражада қулай шароитлар яратиш, лицензияловчи ва рўхсат беришчи жараёнларни қисқартириш ва соддалаштириш, ҳисобот тизимини тубдан ислох қилиш, уларни тақдим этиш тартибини ўзгариштириш мақсадида божхона соҳасида ҳам бир қатор рўхсат беришчи жараёнлар қисқартирилди ва соддалаштирилди. Хусусан, шартномаларни ваколатли банкларда рўйхатга



Шунингдек, импорт юкларни божхона расмийлаштируви жараёнида хусусий тадбиркорлар томонидан олиб қилинган пул маблағлари легитимлигини тасдиқловчи ҳужжатларни божхона органига тақдим этиш бекор қилинди.

Бундан ташқари, 2012 йилнинг учинчи чорагидан божхона оғборларида сақланаётган товарлар ва уларнинг муддатлари бўйича, эркин оғборларда сақланаётган товарлар ва уларнинг муддатлари бўйича, бож олимайдиган савдо дўқони бўйича ҳамда акциз маркалари ҳаракатлари бўйича божхона органларига тақдим этиладиган ойлик ҳисоботлар ҳар чоракда тақдим этилиши қўрсатиб ўтилди.

— **Кейинги йилларда божхона тўловлари борасида қабул қилинган янги меъёрий ҳужжатларда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор берилган?**

— Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макрориктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетди параметрлари тўғрисида”**ги Қарори билан 2013 йилда импорт қилинадиган товарларга нисбатан солинадиган акциз

солиғи ставкалари белгиланди. Шунингдек, ушбу Қарор билан 2013 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида бож тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланган ҳолда олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун тадбиркорлик субъектлари — импортёрлар томонидан экспорт юк

да божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлишди. Бу ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига кенг имкониятлар яратиш бериш, тадбиркорликни янада энгиллаштириди. Хусусан:

- масофадан туриб, интернет тармоғи орқали божхона расмийлаштирувини амалга ошириш имконини беради;
- божхона расмийлаштируви ҳамда ҳужжатларни текширишга кетадиган вақтни қисқартиради;
- ортиқча қўғозбозлик ва бюрократияни қамайтиради;
- ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига хизмат кўрсатиш сифатини оширади;
- божхона органлари фаолиятини янада шаффофлаштиради;
- божхона жараёни билан боғлиқ вақтни қисқартиради.

— **Амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш жараёнида вилот божхона хизмати ходимлари томонидан қандай қонуний ҳолатларнинг олди олиниб, бартараф этилди?**

— Бошқарма томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида республика чегаралари орқали товарлар қонуний олиб ўтилиши ҳамда ички ҳудудларда ташилишига қарши қурашиш борасида жами 805 та божхона қондаси бузилганлиги аниқланиб, 6 007,5 миллион сўмлик (2012 йилнинг шу даврига 635 та ҳолатда 5 578 миллион сўмлик) товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушлаб қолинган товарлар қиймати 429, 5 миллион сўмга, ҳолат сони эса 170 тага ортган. Бу, албатта, ачинарли ҳол. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ўтган давр мобайнида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда жами 459 та ҳолат аниқланган бўлиб, 5 155,7 миллион сўмлик товарлар ушлаб қоллинган.

Шунингдек, товарларни вақтинча сақлаш учун мўлжалланган “уя”ларни аниқлаш борасида бошқарма томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган мақсадли тадбирлар натижасида, 75 та ҳолатда 2 166,8 миллион сўмлик товар моддий бойликларининг қонуний равишда сақланаётганлиги аниқланди.

Шу билан бирга, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган оператив тадбирлар натижасида, Қирғизистон Республикаси ҳудудида Наманган вилотининг Янги-қўрғон, Уқўрғон ва Чортқ туманлари орқали товарларни қонуний олиб ўтиш билан шуғулланувчи 5 та жиноий гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилди.

Сухбатдош:
Абдуҳошим МАДАТОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Шукроналик

Юртимиз бозорлари — фаровонлигимиз тимсоли

Улардан йилнинг хоҳлаган пайтида сара маҳсулотларни харид қилиш мумкин

ҚИШНИНГ аёли чилласи бошланганига ҳам анча бўлди. Ҳар қандамда унинг нафаси сезилди. Лекин бозорларимизда ёзу кузнинг манзараси. Расталар олма-ю анор, дейсизми “Келин бармоқ” ҳусайини кўнглингиз истайдими, наку беҳилар билан лиқ тўла. Хорижда етиштирилган банандан тортиб, кивиғача бор. Қўриб кўнглингиз яйрайди. Нархи ҳам осмон қадар эмас. Ҳар қандай одамнинг чўнтаги кўтаради. Қовун-тарвуз савдоси авжиди.

— ҲАДЕМАЙ 2014 йил кириб келди, — дейди “Олой” дехқон бозори сотувчиси Олимжон Дўстов. — Киш фасли бўлса-да, бозоримизда гўё айни пишиқчилик. Ишонгингиз келмайди. Ўзим шу бозорда йил бўйи мева-чева билан савдо қиламан. Эрта баҳорда Сурхондарёдан ўрик олиб келамиз. Ўзимни водийлик дехқонларимиз етказишди. Банан, киви, ананас каби тансиқ меваларни эса тадбиркорларимиз хориждан келтиришди. Хуллас, йил давомида хоҳлаган мева-чевангизни бозоримиздан топасиз.

Бу сервитамин маҳсулотлар аҳолининг саломатлигини яхшилашда муҳим омили бўлмоқда. Боиси, мева-сабзавот кўп истеъмол қилинганди, инсон соғлиғини яхшилашда тиббиёт олимлари аллақачон исботлашган. Тўғриси, бугунги кундаги фаровонликларга, бозорларимиздаги тўкин-сочилликларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ютқуларнинг илдиизи яқин тарихга бориб тақалади.

Бозорларимиздаги тўкинчиликнинг яна бир омили борасида айтмасак бўлмас, Юртбошимизнинг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 219 та ширкат ҳўжалиги негизда мева-сабзавотчиликка иртиқослаштирилган 40 мингдан ортиқ фермер ҳўжаликлари ташкил этилди.

Юртбошимизнинг бу Қарори ўз “мева”сини берди. Кишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг ОАВга берган маълум

ев. — Юртбошимизнинг тарихий Фармонидан сўнг бизнинг оилага ҳам иккита томорқа ажратилди. Бугунги кунда ўғлим Ўлғубек билан томорқамиздан йилга 30-40 миллион сўм даромад қилаёмиз. Етиштирган маҳсулотларимизни ўзимизнинг “Дамас”да Тошкентдаги бозорларга етказиб берамиз.

Яқинда телевизорда кўрсатишди. Европалик бир сайёҳ бозордаги олма-мизини еб қўриб, — мен бундай мазали олмани биринчи марта тановул қилишим, — деди. — Бизда ҳам ол-



маларнинг хили кўп. Бироз нордон. Ўзбек олмаларининг ширинлиги Осиё кўёшида тўйинганидан бўлса керак. Қўёш нурида тобланган мева-чевалар нафақат мазали, балки табиий витаминларга ҳам бой бўлади.

Бу хорижий меҳмоннинг фикри.

Қўёш Оллоҳнинг бебаҳо неъматиди. У ҳамма юртга бирдек нур сочмайди. Табиат ўзининг бебаҳо нурини юртимиздан аямаган. Ана шу боис, юртимиз жаннатмакон диди, дея эътироф этилади. Унда етиштирилган ҳар қандай ноз-неъмат тилингизни ёради. Юртимиз дала-ларида етиштирилган қовун-тарвузларни бир марта тановул қилган одам ҳам бир умр эслаб юради.

Ирина БОКОВА, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича бўлими — ЮНЕСКО Бош директори, “Шарқ тароналари” IX халқаро мусика фестивали қатнашчиси:

— Самарқанд — икки йил минг йилдан зиёд тарихга эга бўлса-да, ҳамон навқирон шаҳар. Бу ерда Шарқ бозорларининг ўзига хос анъаналари неча йилдирки сақланиб қолган. Турмуш ўртоғим билан бозордан қуруқ мева харид қилдик. Менга бозорда сотувчи билан савдолашиш керак, дейишди бу ишни эплай олмайман. Биз бозордаги барча ширинликлардан татиб қўрдик. Улар жуда мазали экан. Ўзбек халқининг меҳмон-навозлигини бозорларда ҳам қўрдик. Сотувчиларнинг саҳийлиги ва самимийлигига таъриф йўқ. Бозорлардаги тўкинчилик айтишга сўз ожиз.

Сингапурда чоп этилган оммабоп нашрлардан “Sports @ Travel” ҳам Ўзбекистонга бағишланган саҳифасида шундай, деб ёзди: “Дунёдаги энг ширин мева ва сабзавотлар фақат Ўзбекистонда, жазирама Осиё кўёши тафтида ширин-шарбатга тўлиб пишади”. Бу ширин мева ва сабзавотларимизни татиб қилган хорижликларнинг эътирофи.

Даласини боласидек ардоқлаган дехқоннинг тоғани ҳалол.

Бугунги кунда республикамизнинг қай бир ҳудудига борманг, интенсив боларга кўнглингиз тушади. Бундай боларни бунёд этишга Самарқанд, Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда хизмат юзасидан сарфдан қайтаётганда, ўртачирчиқлик болболлар билан сўхбатлашиб қолдик.

— Олманинг бу нави пакана ва ярим-пакана олма дарахти, дейилади. Эътиборлиси, бу мевали дарахтлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосил берди. Дастлабки ҳосил кектарига 2-2,5 тоннани ташкил этса, учинчи йили 5-10 тонна, тўртинчи йили 5-10 тонна, 4-5 йиллар эса 40-50 тоннагача етади. Бу кўрсаткич ўзимизнинг боллардаги олмаларга нисбатан 2-3 баробар кўпдир.

— Бу олмаларнинг мазаси қандай, сўраймиз болболлардан.

— Ўзимизнинг олмалардан унчалик қолишмайди. Сабаби, қўёша тўйин-



ган ҳар қандай мева ширин бўлади. Ўз вақтида сув ва ўғит берилса бас.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятининг Бобўут, Мирзаобод, Гулистон туманларининг қўлгина хонадонларида 100 тўлгача анор парвариш қилинмоқда. Биргина, Мирзаобод туманидаги анорзорлар 120 гектардан зиёдни ташкил қилади. Вилоятнинг айрим ҳудудларида анорни қайта ишлайдиган корхоналарни қуриш аллақачон бошлаб юборилган. Қувонарлиси, мевачилик соҳасида ҳам болболларимиз ўз “мактаб”ларини яратмоқда. Худди олимлардек ўз “тадқиқот”ларини бир зумга бўлса-да, тўхтатаёпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Биргина, 2012 йилнинг ўзига 43,9 минг тонналик 130 дан ортиқ омборхона фойдаланишга топширилди.

Яқинда пойтахтимиз марказида “Орзу” номли супермаркет ўз фаолиятини бошлади. Бу дўконда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсани топса бўлади. Хориждан келтирилган 1 килограмм олманинг нархи 8-9 АҚШ долларида сотилмоқда. 3 таси 1 килограмм чиқади. Қизиқиб сотувчи сўраймиз. — Бу олмаларни ҳам харидорлар олишмаптимиз?

— Ҳа. Бу олмаларни “меҳмон” олма, дейишди (қулади). Уларни сотиб олганлар тўй қилаётган одамларга дастурхон қўри учун ижарага беради. Олмаларнинг мазаси борасида ўзимизниқига тенг келадигани йўқ.

Харид учун яқинда “Олой” дехқон бозорига тушдим.

Кулупнай харид қилмоқчи бўлган 70-80 ёшлардаги чол билан кампирнинг ёнига қийлашдим.

“Невара келимин кулупнай олиб келинг, деди. Насиб қилса 5-6 ойдан сўнг эварали бўламан”. Қиш чилласида кулупнай етиштирган дехқоннинг олган тупроғи олтин бўлсин. Умридан баракка топсин, — деди хурсанд ҳолда онахон. Сўхбат асосида, отахон билан ҳам танишиб олдим. Ўзини таништирди.

— Рашид Отахоновман. 45 йилдан ортиқ темир йўл соҳасида ишладим. Бу бош қўрғур неларни қўрмади, дейсиз болам. Очарчиликни ҳам, қаҳатчиликни ҳам қўрдик. Бир қоп пулга бир қоп бўғдод бермаган замоналар бўлди, — дейди отахон. — Болалигим Эски Жува томонда ўтган. Чорсу бозори атрофида қушқара еб илшиб ўлган одамларни қўрганмиз. У кунларни унутиб бўладими. Бугун жаннатда яшаймиз, болам. Тўкин-сочиллики қаранг. Ҳеч қим қўғача он қидириб қиймади. Ҳаммаси тинчлик тўфайли. Бунинг учун Яратқандан ва Президентимиздан миннатдор бўлмоқчимиз керак. Телевизорни ҳар кун қўриб бораман. Газета ҳам ўқийман. Хориждан келган меҳмонлар ҳам юртимизга ҳавас қилмоқда. Дунёнинг айрим давлатларидаги нотинчликларни қўриб қайфиятим бузилади.

Дарҳақиқат, юртимиздаги фаровонлиқнинг сабаби, тинчлик тўфайли. Тинчлик ҳукм сурмаган юртининг даласида ҳосил битмайди. Боллариди мева пишади.

Хозирги пайтда мамлакатимиз бўйича 250 минг гектар мевали боғ ва 127 минг гектар тоқзор мавжуд. Келгусида ҳам бу боғ-роғлар юртимиз тўкинчилиги учун хизмат қилади. Дастурхонларимиз яна серфайи бўлади.

...Шарқ халқларида қайси бир халқнинг қандай яшаётганлигини билмоқчи бўлсанг, бозорларини томоша қил, деган гап бор. Бугун бозорларимизни айланган ҳар бир хорижлик меҳмон болболларимизга, чорвадор-у болболларимиз меҳнатига тан беради. Бунга бозорларимиздаги тўкинчилик ва арзончиликлар яққол мисол бўлади.

Зайноддин МАМАДАЛИЕВ, “Инсон ва қону” муҳбири

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда судьялар мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида 2001 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти” ташкил этилди.

СУД департаментининг ташкил этилиши натижасида, унинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари ҳамда суд ижро-чиларининг туман (шаҳар) бўлимчалари юзга келди. Суд ижро-чисининг фаолият доираси белгилаб берилиб, фақатгина судлар ва бошқа органларнинг қарорларини ижро этиш вазифаси асосий вазифа сифатида эътироф этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унга қўра, суд ижро-чиларининг фаолият доираси, ижро ҳужжатларини қабул қилишнинг тартиби, унинг ақуний натижасига қадар амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доираси, суд ижроси мақоми белгилаб қўйилди. Суд департаменти ташкил этилгандан сўнг қисқа фурсат ичида унинг фаолиятини яхшилаш юзасидан ижоридида Қонунга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши билан биргаликда, бир қанча қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Жумладан,

Суд департаменти

Ўзаро ҳамкорлик

ижро самарадорлигини оширади

Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш

механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2009 йил 15 июлдаги “Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари билан тасдиқланган Низомларнинг қабул қилиниши натижасида, ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини ўз вақтида ва сифатли ижро қилиш механизми такомиллаштирилди, бу эса, ўз навбатида, вақт тежалишида ҳамда фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўз самарасини берди.

Шу билан бирга, олиб борилаётган ислохотлар натижасида, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга “Қарздор жисмоний шахсининг Ўзбекистон Республикасидан чиқшини вақтинча чеклаш” тўғрисидаги норманинг киритилиши ижро ҳужжатларининг ижросини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Ижро

ҳужжатларини ижро этишда Суд департаменти томонидан прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона, банк ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликлар йўлга қўйилиб, қўшма кўрсатмалар қабул қилинди.

Суд департаменти тизимида қисқа вақт ичида бундай ислохотларнинг амалга оширилиши, авваламбор, судлар ва бошқа органлар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимизда қўли демократик давлат барпо этиш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг қонунларимизга риоя қилишларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Алишер ЖАЛИЛОВ, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси масъул ходими

Ҳуқуқий маслаҳатхона

— БИР кунни ойнаи ҳақон орқали фарзандликка олиш борасида қонунчиликка янги ўзгариш киритилганини эшитдим. Ўзим кишлоқ фуқаролар йиғинида ишлаганми боис, айна масалага кўп дуч келаман. Шу ҳақда батафсил тушунча берсангиз?

Азиза ҚОЗҚОВА, Қўштепа тумани, Фиштлун ҚФЙ

— 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Фуқаролик процессуал кодексида “Фарзандликка олиш” деб номланган янги боб, Оила кодексининг эса айрим моддаларига ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгариш ва қўшимчаларга биноан фарзандликка олиш фақат воғга етмаган болаларга нисбатан фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига қўра, васийлик ва ҳўмийлик органларининг фарзандликка олишининг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топишганлар, асаб касалликлари ёки нарколепсия муассасаларида рўйхатда турувчилар, ушбу Кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар болани фарзандликка олиши мумкин эмас.

Ака-ука ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди. Фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно. Фарзандликка олишда боланинг розилиги васий-

лик ва ҳўмийлик органлари ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш қўриб чиқилаётганда аниқланади.

Ота-онанинг болани фарзандликка олинишига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга оширилаётган жойдаги ёхуд ота-она ашаб турган ҳудуддаги васийлик ва ҳўмийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак. Шунингдек, фарзандликка олиш тўғрисида иш юритилаётганда, бевосита судда баён этилиши мумкин. Суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгунча қадар ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олишга ҳақли.

Фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибиди йўл қўйилади. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади. Суднинг фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний қўғача қирган қўғача бошқа суд ўн кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан қўғача қирган фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Саволга Қўштепа тумани ФХДБ бўлими мудири Барнохон МЎМИНОВА жавоб берди.

— КОНСТИТУЦИЯДА белгиланган қандай бурчларимиз бор?

Шухрат ЭРҒАШЕВ, Қибрай тумани

— КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 48-моддасида “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадриятини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”, деб эътироф этилган.

Бу бурни бажариш орқали мамлакатимизда тинчлик, оқсоқилчилик ҳукм суриши, ҳар бир шахсининг эркин ва фаровон яшashi, қолаверса, инсон қадриятининг улуғланишига хизмат қилган бўлади.

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар.

Маданий ёдгўрликларни давлат муҳофазасидадир. (Конституциянинг 49-моддаси).

Хозирги вақтда тарихий ёдгўр-

ликларни ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам маданий ва маънавий меросимизни авайлаб-асраш ва келажак авлодларга уларнинг яратилиш йўлларини илмий асослаб етказиш мумкин.

Шунингдек, маданий ёдгўрликларни давлатимиз томонидан муҳофазасида.

Атроф табиий муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўлиш

(Конституциянинг 50-моддаси)

бу энг асосий бурчларимиздан биридир. Негаки, ҳаёт давом этар экан тупроқ, сув, ҳаво, дарактлар, қолаверса, барча табиат бойликлари кейинги авлодларга ҳам тоза ва ифлосланмасдан етиб бориши керак. Барча тирик мажмуотлар, ёввойи ҳайвонлар табиий муҳитда ўз ўрнига эгалиги сабабли, уларни

йўқотиб юбормаслик чоралари ҳам қўрилади.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. (Конституциянинг 52-моддаси). Ватанимизни қўқ қорачиғида асраш, тинчликнинг қадрига етиш ҳар бир фуқаронинг фикри ёдида бўлиши шарт.

Бундан ташқари, қонунларда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни ўз вақтида тўлаш (Конституциянинг 51-моддаси) каби бурчимиз ҳам борки, буни асло эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Фахриддин ҚўДШОВЕВ жавоб берди.

— **ЯҚИНДА** вилоят ижтимоий таъминот бўлимига ариза билан мурожаат этдим. Қачон келишимни ва қавобини қачон олишимни айтишмади.

Айтинг-чи, фуқаролар мурожаатларини қўриб қишнинг қонуний аниқ мuddати белгиланганми?

Н.АХМЕДОВ, Тошкент шаҳри

— “**ФУҚАРОЛАРНИНГ** мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига биноан, фуқароларнинг тақлифлари у тушган кундан эътиборан бир ойгача мuddатда қўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб қиладиган тақлифлар бундан мустасно ва бу ҳақда тақлиф киритган шахсга ўн кунлик мuddат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятларни масалани моҳиятдан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан, бир ойгача бўлган мuddат ичида, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай қўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни қўриб чиқиш учун қўшимча текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар қўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни қўриб чиқиш мuddати тегишли давлат идораси раҳбари томонидан истисно тариқасида узогга билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

Саволга Миробод туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Каромат МАРАҲИМОВА жавоб берди.

"Инсон ва қонун" газетаси жамоаси ҳамкасбимиз — "Хуқуқ" газетаси бўлим бошлиғи Ғафуржон Алимовга ўқиси

Комилжон АЛИМОВнинг бевақфот этганлиги сабабли чуқур таъзия изҳор қилади.

Исоқжон БОЙМАТОВ,
Олтиариқ туманидаги
“Хайрулло Баҳром
Бойматов” фермер
хўжалиги раҳбари



Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 12 ноябрдан 234-ум-сонли буйруғига асосан "Бухоро" адвокатлар ҳайъати адвокати Икромова Оригул Раҳмонованинг тўхтатиб турилган адвокатлик маҳрами унинг янги "БУХОРО АДВОКАТЛАРИ" адвокатлик фирмаси тасбис этиши мубошабат билан бошқарманинг 2013 йил декабрдаги 250-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Жиззах вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 16 декабрдаги 133-ум-сонли буйруғи асосан Мирзоғул туменидаги "OCHIL XAQIQAT" адвокатлик бюроси адвокати Машарипов Бахтёр А.Иловичга Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 14 июлда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи SI №000113-сонли лицензиянинг амал қилиши 2013 йилнинг 20 декабрдан тасдиқланган.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 10 декабрдаги 245-ум-сонли буйруғи асосан Самарқанд шаҳридаги "XUSENOV K.M." адвокатлик фирмаси адвокати Турсунов Суҳро Қаримов билан тузилган моҳият шартномаси бекор қилинганлиги сабабли "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуниинг 13-моддасига асосан (адвокат томонидан ум ойдан сиймийдиган муддатда амал қилинмайдиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилишига қадар ёхуд мавқуд адвокатлик тузилмаларидан бирига юргүзга қадар бўлган даврга) янги адвокатлик маъноси тўлатилган.

Азиз ватандошлар, мухтарам ҳамкасблар ва хорижий ҳамкорлар!

**Барчангизни кириб келаётган Янги
— 2014 йил билан қизгин
табриклаймиз!**

**Азизлар, Янги йилда барчангизга
бахту саодат, омад, улкан
зафарлар, тинчлигу хотиржамлик
доимо ҳамроҳ бўлсин.**

**Якун топаётган йилда
бободехқонларимиз, оташқалб
пахтакорларимиз хирмонлари
улкан ва баланд, заҳматкаш
боғбонларимиз ҳосили мўл ва
баракали бўлди, юртимиз нуфузи
янада кўтарилди. Биз уларни
эришган ютуқлари билан
муборакбод этиб, "баракалла",
деймиз. Келаси йилда ҳам қўлга
киритилажак улкан
муваффақиятлар бардавом
бўлишини, юртимизда тинчлик
ва озодлик қуёши доимо порлаб
туришини тилаб қоламиз.**

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

**"ЎЗВИНОСАНОАТ — ХОЛДИНГ"
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**





“МАХАМ – СHІRСHІQ”
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ҳамда ўз касбдошларини кириб келаётган Янги – 2014 йил – “Соғлом бола йили” билан самимий муборакбод этади! Янги йил барчангизга улкан ютуклар, оилангизга қувончу шодлик, бахту саодат олиб келсин. Жонажон юртингизда тинчлик ва фаровонлик бардавом бўлсин. Ҳаётингиз қувончли ва бахтли лаҳзалар билан бойийверсин.



С Новым годом!

От всей души поздравляем жителей Узбекистана с наступающим Новым годом!

Пусть 2014 год принесет Вам процветание, радость, счастье, много приятных событий и счастливых моментов.

В канун Нового года искренне желаем всем крепкого здоровья, благополучия, дальнейшего роста, удачи и исполнения самых заветных желаний!

Руководство и коллектив
ООО “ЛУКОЙЛ-Узбекистан”
Оперейтинг Компани

ЛУКОЙЛ
НЕФТЯНАЯ КОМПАНИЯ



“ФАРҒОНАПАХТАСАНОАТ” ХУДУДИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, шу жумладан, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли касб соҳиблари бўлмиш ҳуқуқшуносларни, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларни, бободехқон ва фермерларни кириб келаётган, “Соғлом бола йили”, деб номланган янги 2014 йил билан самимий муборакбод этади!

Ҳар йилгидек бу йил ҳам вилоятимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг улкан “оқ олтин” хирмонига катта ҳисса қўшди. Аини пайтда ана шу саноат хонашаси бирлашма тасарруфидаги корхоналар томонидан сифатли қайта ишланмоқда.



*Юртим ободлиги халқ меҳнатидан,
Ватан озодлиги халқ меҳнатидан,
Юрагим шодлиги халқ меҳнатидан,
Бахтимга юксалгин дилимда, Ватан,
Қуёшдай порлаб тур йўлимда, Ватан.*

Янги йил янги муваффақиятлар, қувончу шодликлар олиб келсин. Элимиз дастурхонидан тўкин-сочинлик аримасин. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ҳамisha барқарор бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январь
Ўзбекистон
Миллий ва олий суд
судларининг
0001-расмий билан
рўйхати олинган



Бош
муҳаррир:
Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ражабова Мавжуда
Абдуллаева
Қўчқор Тоғасев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич

Очилов Алижон Муҳлисович
Султонов Алимул
Тошбекович
Мамадалиев Зайитдин Очилович

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида
терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет
усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-8852. Тиражи — 16689.
ЎЗА яқини — 21.20

Топширилди — 21.20

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сейитлоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5